



Темур ОЛТИЕВ

Роман-герман филологияси факультети декани
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875 сонли ҳамда 2013 йил 23 майдаги “Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1971-сонли қарорларини бажариш ҳар бир профессор-ўқитувчидан катта масъулиятни талаб этади. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор усулларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўргатиш, ўрганган тилда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон тамаддуни ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ҳамда мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Университет профессор-ўқитувчилари билан бир қаторда Германия, Франция, Испания сингари мамлакатлардан келган мутахассислар замонавий технологияларни қўллаб машғулотлар олиб бормоқдалар.

Немис, француз, испан тиллари бўйича таҳсил олаётган талабалар учун ташкил этилган клублар фаолият юритмоқда. Германиялик мутахассис Райхел томонидан ташкил этилган немисча фильмлар клубида талабалар немис тилида фильмларни томоша қилиш ҳамда кўрган фильмлари устида баҳс-мунозаралар олиб боришга муяссар бўлишди.

Германиянинг Майнц университети ҳамда немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси ўртасидаги шартномага мувофиқ “Адабий матнлар устида ишлаш” мавзусида семинар ташкил қилинди. Ушбу Майнц университети

профессори Марион Грайн хоним профессор-ўқитувчилар учун “CEFR-Европа стандартларига асосланган чет тили ўқитиш услублари” ҳамда “Чет тилини ўқитишда кўшиқларнинг аҳамияти” мавзусида семинар-тренинг ўтказди. “Адабий матнлар устида ишлаш” лойиҳаси бўйича ўқув қўлланма тайёрланиб, 3 нафар ўқитувчи (Д.Исматиллаева, Н.Режапова, Ш.Абдуғаниева) Германияда 1 ойлик малака ошириш курсини ўтадилар.

Чет тилларни ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан ўйин тарзидаги ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришга мослаштирилиб ёзилган бошланғич синф ўқувчилари учун француз, немис тиллари дарсликлари (З.Абдушукурова, С.Умарова, М. Дадаходжаева, Л. Холияров, З. Норбекова ва бошқалар томонидан) яратилди.

Бундан ташқари, “CEFR талаблари бўйича тест материаллари ҳамда дарсликлар яратиш” мавзусида Республика ўқув-услубий семинари ўтказилди. Семинарда университетнинг немис тили профессор-ўқитувчилари билан бирга турдош олий таълим муассасалари (ЎЗМУ, ТДПУ, ГулДУ, ҚўқонДПИ, ФарДУ, АндУ, СамДЧТИ, БухДУ, ҚарДУ, ТермДУ, УрДУ) мутахассислари ҳам иштирок этдилар. Семинарнинг асосий мақсади CEFR – Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш тизими бўйича талабаларга ўқиш, ёзиш, гапириш ҳамда эшитиб тушуниш кўникмаларини шакллантиришга асосланган ўқув адабиётларини, тест материалларини яратиш усуллари билан таништириш ва ўзаро тажриба алмашишдан иборат бўлди.

Ўқув-услубий семинарда чет эллик мутахассисларнинг ўқиб тушуниш, тинглаб тушуниш, гапириш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган машқ ва вазифалар турлари, уларни ишлаб чиқиш шартларига бағишланган тақдимотлари ўрганилди. Шу билан бирга немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси профессор-ўқитувчиларининг адабий матнлар устида ишлаш бўйича яратилган ўқув-услубий қўлланмалар асосидаги маърузалари ҳам тинланди.

Испан тили профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада такомиллаштириш мақсадида испаниялик ўқитувчи Давид Соса Майёр томонидан малака ошириш курслари ташкил этилди.

Машғулотлар испан тилини ўқитишнинг замонавий услуларида, махсус чет тилларни ўргатишда қўлланиладиган техник воситалар ёрдамида ўтказилмоқда. Дарсларда дебат ва баҳс-мунозара шакллари кенг қўлланилмоқда.

Европа испан тили ўқитувчилари Ассоциациясининг (АЕРЕ) таклифига биноан Авила шаҳрида ўтказилган Халқаро Конгрессда иштирок этиш, испан

тили маданияти ва тарихи, испан тилини ўқитишнинг бугунги кундаги замонавий усуллари, испан тили мутахассислари билан Умумевропа таълим стандартлари бўйича тажриба алмашиш, ўрганилган янги тажрибаларини миллий таълим тизимимизга татбиқ этиш мақсадида ёш ўқитувчи-мутахассислар (Б.Ҳамрақулова, С.Шарипова) малака ошириб келдилар.

Франциянинг Версал Академияси қошидаги Педагогика ва таълим олий мактаби(ESPE)нинг бошланғич ҳамда ўрта таълим мактаблари методистлари (П.Буассонне, Л.Александр, П.Муанар) университетимизга келиб, француз тили ўқитувчилари учун махсус семинар, республика миқёсида чет тилини интерактив усулларда ўқитиш бўйича видеоконференция, “Erasmus +” лойиҳаси бўйича француз, немис, испан, инглиз тиллари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш мақсадида семинар-тренинг ўтказдилар.

Бундан ташқари, француз тили ўқитилаётган 162-сонли махсус мактабга бориб, дарсларда иштирок этдилар.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, чет тилларни замонавий методлар асосида талаб даражасида ўрганиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.